



## THE ROLE OF CUSTOMS AUDIT IN OPTIMIZING THE RATES OF CUSTOMS PAYMENTS

**Ibrakhimjon R. Moydinov**

*Inspector of border customs post "Rishton", lieutenant of customs service  
State Customs Committee, Fergana Region Customs Department  
Fergana, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** rate, customs fees, customs audit, preference, foreign economic activity, state budget.

**Received:** 10.02.23

**Accepted:** 12.02.23

**Published:** 14.02.23

**Abstract:** This article presents the importance of customs audit in the optimization of customs payments in the customs system of the Republic of Uzbekistan, which is considered one of the main tasks of the customs authorities, the analysis of payments and the analysis of the current situation.

## БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИ СТАВКАЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШДА БОЖХОНА АУДИТИНИНГ РОЛИ

**Иброҳимжон Р. Мўйдинов**

*"Риштон" чегара божхона пости инспектори, божхона хизмати лейтенанти  
Давлат Божхона қўмитаси Фарғона вилояти божхона бошқармаси  
Фарғона, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** ставка, божхона тўловлари, божхона аудити, преференция, ташқи иқтисодий фаолият, давлат бюджети.

**Аннотация:** Ушбу мақолада божхона органларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси божхона тизимида божхона тўловларини оптималлаштиришда божхона аудитининг аҳамияти, тўловлар таҳлили ҳамда мавжуд ҳолат юзасидан келтирилган маълумотлар таҳлили келтирилган.

## РОЛЬ ТАМОЖЕННОГО АУДИТА В ОПТИМИЗАЦИИ СТАВОК ТАМОЖЕННЫХ ПЛАТЕЖЕЙ

**Иброҳимжон Р. Мўйдинов**

*Инспектор пограничного таможенного поста «Риштон», лейтенант таможенной службы  
Государственный таможенный комитет, Таможенное управление Ферганской области  
Фергана, Узбекистан*

---

**О СТАТЬЕ**

---

**Ключевые слова:** ставка, таможенные сборы, таможенный аудит, преференция, внешнеэкономическая деятельность, государственный бюджет.

**Аннотация:** В данной статье представлено значение таможенного аудита в оптимизации таможенных платежей в таможенной системе Республики Узбекистан, что считается одной из основных задач таможенных органов, анализ платежей и анализ текущей ситуации.

---

**КИРИШ**

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда божхона тўловларини қўллаш миллий иқтисодиётда бозор муносабатлари тамойилларини қарор топтиришда имкониятлар яратиб, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш орқали иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда асосий омил ҳисобланади.

Республикамызда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш мақсадида, мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони эълон қилинди. Унда иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта асосий устувор йўналишларидан бири эканлиги белгилаб берилди.

Ташқи иқтисодий фаолият мамлакат иқтисодиётига бевосита таъсир этиб, уни янада либераллаштириш миллий иқтисодиётда самарали таркибий ўзгаришларга олиб келиб, иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга замин яратади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш – бу Ўзбекистон экспорт маҳсулотларини жаҳон бозори маҳсулотлари билан тенг рақобат қилиш учун экспортчиларни давлат томонидан қўллаб қувватлаш, чет эл сармоясини кириб келишига қулай шароитлар яратиш, сифатли ва рақобатдош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган давлат сиёсатидир. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда протекционизм сиёсатидан эркин савдо сиёсатига ўтилмоқда.

Мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлашда ва унинг ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишда божхона тўловларидан фойдаланиш муҳим ўрин тутди. Ташқи иқтисодий фаолиятни божхона тўловлари орқали тартибга солиш тизимини илғор хорижий тажрибалар, халқаро принциплар ва нормаларни инобатга олган ҳолда оптималлаштириб бориш ҳозирги кунда асосий долзарб масалалардан биридир.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда божхона тўловларини қўллашни оптималлаштириш деганда, ташқи савдони самарали таркибини таъминлаш, ички товар

ишлаб чиқарувчиларни чет элнинг носоғлом рақобатидан ҳимоялаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида товарларга қўлланиладиган божхона тўловлари ва уларнинг ставкалари ҳамда божхона тўловларидан бериладиган преференция, имтиёзлар тушунилади.

Ҳозирги пайтда ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишдаги ислохотларни ҳисобга олиб, божхона тўловларини қўллашни оптималлаштириш жараёнларида қуйидаги тамойилларни ҳисобга олиш зарур ҳисобланади:

- ташқи иқтисодий фаолиятни божхона тўловлари билан тартибга солиш тизимини такомиллаштиришда илғор хорижий тажриба, халқаро принциплар ва нормаларни қўллаш;
- маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни республикада ишлаб чиқарилмайдиган, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашё ва материаллар билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;
- янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш мақсадида замонавий технологик ускуналар ва техникаларни олиб кириш учун қулайликлар яратиш;
- божхона расмийлаштирувида ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатураси коди бўйича яқин бўлган товарларни божхона тўловлари ставкаларини унификация қилиш;
- тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилишни рағбатлантириш;
- акциз солиғига тортиладиган товарларга акциз солиғи ставкаларини унификация қилиш, уни инсон соғлиғи ва атроф-муҳит учун зарарли бўлган товарларга нисбатан баланд ставкаларда қўллаш.

Божхона тўловлари ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда ташқи савдо айланмасини зарур даражада тартибга солиш, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ҳамда фискал вазибаларни бажаради.

Ўзбекистон Республикасида товарларни божхона чегарасидан олиб ўтишда божхона божи, акциз солиғи, қўшилган қиймат солиғи, божхона йиғимлари ундирилади. Амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида мамлакатимизда товарларни экспортини рағбатлантириш мақсадида товарларни божхонада экспортга расмийлаштиришда божхона тўловлари ундирилмайди (бундан божхона йиғимлари мустасно).

Бож ва солиқлар ставкаларининг миқдори мамлакат ташқи савдосини ривожланиш ҳолатига бевосита таъсир этиб, мамлакат бюджети даромадларини шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди.

Иқтисодиётни, жумладан ташқи савдони солиқлар билан тартибга солиш бўйича дунё олимларининг бир қанча илмий қарашлари мавжуд, жумладан, машҳур хитой файласуфи Сунь Цзининг фикрича: “Солиқларни ҳаддан зиёд кучайтириш турли талон-тарожликни

келтириб чиқаради, душманларнинг бойишига хизмат қилади, оқибатда, давлат инқирозга учрайди”.

А.Ваҳобовнинг фикрича, “иқтисодий фаолиятга бевосита ва билвосита аралашуви жараёни экспорт ва импорт ҳажми ва таркибига таъсир кўрсатиш орқали ички бандлиликни таъминлаш, иқтисодий ўсишга эришиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, тўлов балансини яхшилаш ҳамда валюта курсини тартибга солиш мақсадларини кўзда тутати”.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, солиқлар тартибга солувчи ва рағбатлантирувчи функцияга эга. Улардан ташқи савдони тартибга солишда фойдаланишни такомиллаштириш иқтисодиётда самарали таркибий ўзгаришларга олиб келиб, миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошишига ҳамда давлат бюджети даромадлари қисмини тўлдиришга хизмат қилади.

Божхона тўловларини ҳисоблаш, ундириш ва давлат бюджетига ўтказиш борасида ҳам охириги йилларда қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига бу йўналишда қулайликлар яратилмоқда. Бунинг натижасида ундирилган божхона тўловларининг миқдори ҳам йилдан-йилга ошмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 2020 йилда 11,1 мартага ошган. Божхона тўловларини ўсишига: импорт товарларининг ҳажмини кўпайиши, товарларнинг божхона қийматини аниқланишини такомиллашаётганлиги, божхона тўловлари ставкаларини ўзгариши, эркин алмаштириладиган валюта курсининг ўзгариши, божхона соҳасида **автоматлаштирилган ахборот тизими**дан самарали фойдаланилаётганлиги, божхона соҳаси бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллашаётганлиги каби асосий омиллар таъсир этган.

2019 йилда жами божхона тўловлари таркибида: қўшилган қиймат солиғи 78.5 фоизни, импорт божхона божи 13.5 фоизни, акциз солиғи 4,6 фоизни, бошқа тўловлар 3.4 фоизни ташкил этган. 2020 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 79,8%, 14,3%, 3,7% ва 2,2%ни ташкил этган. (6-жадвал).

6-жадвал

**Божхона органлари томонидан 2016-2020 йилларда Давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари таркиби (фоизда).**

№	Божхона тўловлари турлари	2016	2017	2018	2019	2020
1.	Импорт божхона божи	25,8	22,5	16,1	13,5	14,3
2.	Қўшилган қиймат солиғи	54,1	60,4	74,5	78,5	79,8
3.	Акциз солиғи	17,2	14,5	4,6	4,6	3,7
4.	Божхона йиғими ва бошқалар	2,9	2,6	4,5	3,4	2,2

	<b>Жами</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
--	-------------	--------------	--------------	--------------	--------------	--------------

Шуни қайд этиш лозимки, ўтган тўққиз йил давомида давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловларига нисбатан ундан берилган имтиёзлар ҳажми ҳам йил сайин ошиб келмоқда. Агарда, 2010 йилда берилган имтиёзлар миқдорини 2020 йилдаги билан солиштирадиган бўлсак, бу даврда ушбу кўрсаткич 8,3 мартага ошганлигини кўришимиз мумкин. Божхона тўловларидан берилган имтиёзларни ошишига ишлаб чиқаришни модернизациялаш, маҳаллийлаштириш дастурлари ва давлатимиз билан эркин савдо зонаси ташкил этган давлатларда ишлаб чиқарилган товарларга берилган преференцияларнинг кўпайиши сабаб бўлган.

Охириги йилларда божхона соҳасида фуқаролар ва тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида инновацион технологилар кенг жорий этилмоқда. Ҳозирги кунга қадар тизимда 50 дан зиёд автоматлаштирилган ахборот тизимлари ҳамда 23 дан зиёд электрон интерактив хизматлари амалиётга татбиқ этилган. Жумладан божхона тўловларини ундириш йўналишида ҳам “Божхона тўловлари” автоматлаштирилган ахборот тизими дастури, хавфни бошқариш тизими ва интеграциялашган тариф интерактив хизматидан самарали фойдаланилмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда божхона божлари ставкаларини ислоҳ қилиш бўйича ҳам қатор ишлар қилинмоқда ва бу борадаги кўраткичлар жаҳон андозаларига яқинлашмоқда.

#### 7-жадвал

#### 2017-2020 йиллар импорт божхона божининг ўртача арифметик ставкасини ўзгариши, (фоизда)

Ўз.Р Президентининг 29.09.17 йилдаги ПҚ-3303-сонли Қарори	Ўз.Р Президентининг 29.06.18 йилдаги ПҚ- 3818-сонли Қарори	Ўз.Р Президентининг 26.12.18 йилдаги ПҚ-4086-сонли Қарори	Ўз.Р Президентининг 02.09.19 йилдаги ПҚ-4470-сонли Қарори
6,45	4,06	5,59	8,02


Ҳар бир давлат ўз иқтисодиётини ҳар томонлама ривожлантириш, дунё хўжалигига интеграциялашув жараёнларини ҳисобга олиб, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда турли хил божхона тўловлари ставкаларидан фойдаланади ва уларни қўллашни доимий равишда такомиллаштириб боради.

Мисол учун импорт божхона божига ноль даражали ставкалар миқдори Европа Иттифоқи давлатларида 16,65 фоизни, Туркияда 37,48 фоизни, Хитойда 7,10 фоизни, Тожикистонда 4,10 фоизни, Ҳиндистонда 2,08 фоизни ва Евроосиё иқтисодий ҳамкорлик

ташкilotи давлатларида 15,81 фоизни ташкил этади. Мамлакатимизда амалдаги импорт божхона божи ставкалари таркибида бу кўрсаткич 62,7 фоизга тенг.

2-диаграмма.

### Ўзбекистон Республикасида божхона божи ставкалари таркиби



Шунингдек, бу кўрсаткич бўйича иқтисодчи Габриэль Фельбермайер АҚШ билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ўзаро савдо алоқаларида 5018 та товарларнинг божхона божи ставкаларини таҳлил қилди. Таҳлил натижаларига кўра АҚШга Европа Иттифоқи давлатларидан импорт қилинган товарларга қўлланиладиган божхона божи ставкаларининг 36.0 фоизи (1802 та) ва аксинча Европа Иттифоқига АҚШ давлатидан келган товарларга қўлланиладиган божхона божи ставкаларининг 25.0 фоизи (1246 та) ноль фоизли ставкага тўғри келади.

Ўзбекистон Республикасида товарларга нисбатан белгиланган ставкалар ўртасида ноль фоизли ставканинг улушини оптимал даражада камайтириш ҳамда юқори ставкаларни минималлаштириш орқали божхона тўловларининг давлат бюджетидagi улушини ортишига сабаб бўлади.

### ХУЛОСА

Хулоса ўрнида: Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, ташқи савдони либераллаштириш, божхона тартиб-таомилларини халқаро норма ва стандартларга мос ҳолда ташкил этиш, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига қулайликлар яратиш ҳамда фаолиятни рағбатлантириш ўз олдига жаҳон бозорида етакчи ўринларни эгаллаб,

дунё ҳамжамиятига муваффақиятли интеграциялашувни мақсад қилган ҳар бир давлатнинг бугунги кундаги асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, божхона органлари фаолиятини такомиллаштириш, божхона назоратини соддалаштириш, расмийлаштирув жараёнига сарфланаётган вақт ва харажат сарфини камайтириш, шу билан бирга, ҳалол ТИФ субъектларини рағбатлантириш мақсадида божхона аудити жорий этилди. Товарлар чиқариб юборилгандан кейинги божхона назорати орқали божхона қонунчилигига қай даражада амал қилинганлиги, имтиёзлар тўғри қўлланилганми ва энг асосий фискал вазифалардан бири давлат бюджетига божхона тўловлари тўғри ундирилганлигини назорат қилади. Божхона аудити натижасида божхона тўловларини аниқ ва тўғри ундирилганлигини ўрганилиб, давлат бюджетига етказилган зарар қопланиши таъминланади.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “Божхона процедураларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисида”ги Киото конвенцияси 1973 йил;
2. Бутун Жаҳон Божхона ташкилотининг Расмийлаштирувидан кейинги божхона аудитининг тавсиялари (2012 й)
3. Агамагомедова С.А. Товарлар чиққандан кейин божхона назорати: ўқув қўлланма / С.А. Агамагомедова, О.В. Шишкин. — Санкт-Петербург: Троицкий кўприги, 2014
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” ги 2020 5 июндаги ПФ-6005-сон Фармони;
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 5 октябрга ПФ-6079-сон фармони
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Божхона аудитини ўтказиш тасдиқлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 101-сонли қарори;
7. Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги халқаро конвенция (Киото конвенцияси), 18.05.1973 й;